

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланмаган ҳолда тайинланганлиги ҳамда ҳукм иш материалларидаги кам-қўстлар бартараф этилмасдан чиқарилганлиги суд қарорлари ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 8 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 8 сентябрдаги ҳукмига кўра А. Жиноят кодексининг 122-моддасининг 1-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига, 205-моддасининг 1-қисми билан 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, 210-моддаси 2-қисмининг «б», «в» бандлари билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Жиноят кодексининг 59,61,60-моддалари тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш ва 300.000 сўм жарима жазосига судланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 41-бандида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо шахс айбдор деб топилган Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида тайинланиши, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган бўлса, у Жиноят кодексининг 45-моддасида белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмда асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкинлиги тушунтирилган.

Бироқ суд Пленум қарорининг ушбу талабларига риоя қилмаган. А.га Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан жазо тайинлашда ушбу модда санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилмаган бўлсада,

Жиноят кодексининг 45-моддасини қўлламаган ҳолда унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб хатога йўл қўйган.

Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги тушунтирилган.

Суд томонидан қайд этилган Олий суд Пленуми қарорининг ушбу талабига ҳам риоя қилинмаган.

Муқаддам, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2005 йил 15 январдаги ҳукмига мувофиқ А.га нисбатан тайинланган 1.958.400 сўм жарима жазоси тўлиқ ижро қилинган бўлса-да, бу ҳолатни текширмай туриб, 300.000 сўм жарима жазоси тўланмай қолган деган хулосага келиб, А.га тайинланган жазога Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида жаримани қўшган ҳолда узил-кесил жазо тайинлаб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси ҳам қайд этилган ҳолатларга эътибор бермай, суднинг хатосини бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 9 июлдаги ажрими билан суд қарорларининг А.га оид қисми ўзгартирилиб, унга Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланган ҳолда тайинланган деб ҳисобланиб, олдинги ҳукм билан Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида тайинланган 300.000 сўм жарима жазосини қўшиш қисми бекор қилинди ва ўташ учун Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилди.

***Назорат иши ЖСХ-118-09***